O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 17 февраль, № 33 (3832) Жума

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА КЎПРИК

Баландлиги 48, узунлиги 278 метр келадиган бу иншоотни «Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясининг темир йўл қурувчилари барпо этишди.

Мустақиллик иншоотлари





Мамлакатимизнинг ягона темир йўл тизимини яратиш доирасида барпо этилаётган «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон" янги темирйўл линиясини қуриш янги ҳал қилувчи босқича кирди. Бу ерда ушбу линиянинг «Деҳқонобод-Бойсун» бекатлари оралиғидаги 104 километрлик учинчи босқичини қуриш ишлари жадаллик билан давом эттирилмоқда.

Янги темир йўл қурилишида дастлаб 2004 йили Тошгузардан Деҳқонободгача 56,8 км, 2005 йил баҳорида эса Қумқўрғондан Бойсунгача бўлган масофада 59,1 километрлик янги йўллар қурилиб, поездлар ишчи ҳаракати очилган эди.

Мураккаб табиий ва географик шароитларга қарамасдан темир йўл қурувчилари бугунга қадар учинчи босқичда Деҳқонободдан Чашмаи Ҳафизонгача масофада 28 километрлик янги йўлни қуриб, поездлар ишчи ҳаракатини очишга муваффақ бўлишди. Шу билан учинчи босқичда 38 километрлик масофада янги темир йўл қурилган бўлса, янги линияда бугунга келиб жами 153,9 километрлик масофада поездлар ишчи ҳаракати йўлга қўйилди.

Қурувчилар учун қулай шарт-шароит яратилганлиги, ишни уч сменада узлуксиз ташкил этиш, пировардида темирйўлчиларнинг қиш-қировли кунларни писанд этмасдан қўлни қўлга бериб сидқидилдан ишлашлари эвазига шундай муваффақиятга эришилди.

Мамлакатимиз жанубий ҳудудларини марказ ва бошқа вилоятлар билан бевосита боғлаш ва ҳудудни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, ер ости бойликларини ўзлаштириш учун қулай шарт-шароит яратиш, ягона йўл тизимини бунёд этиш мақсадида барпо этилаётган "Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон" янги темир йўл линиясида жами 48 та, шундан 43 таси темир-бетон кўприклар барпо этиш режалаштирилган бўлиб, бугунга қадар уларнинг 26 таси тайёр ҳолга келтирилди. Айтиш керакки, ана шу иншоотларнинг барчаси ўзбекистонлик темирйўлчи мутахассисларнинг лойиҳаси ва интеллектуал салоҳияти эвазига барпо этилди. Айни кунларда темирйўлчилар япониялик мутахассислар билан ҳамкорликда ушбу линияда Япония халқаро ҳамкорлик банки (ЯХҲБ) сармояси ҳисобига қурилиши режалаштирилган бешта металл кўприкни лойиҳалаш, техник-иқтисодий жиҳатдан асослаш ва барпо этиш юзасидан тегишли изланишларни олиб бормоқдалар.

Шу кунларда Консой сойининг икки томонидаги баланд тоғда қиш бўйи ёққан қор ва ёмғирлардан сўнг отилиб чиққан бойчечаклар тоққа баҳор келганидан далолат бериб турибди. Қурилиш давом этаётган Қарадаҳна станцияси яқинидаги Консой қишлоғи аҳолиси шу ҳафтада қувончли воқеанинг шоҳиди бўлдилар. «Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясига қарашли кўприкқурилиш трести, капитал қурилиш дирекцияси, йўл хўжалиги бошқармаси, лойиҳалаш институтлари вакиллари, шу атрофдаги қишлоқларда яшовчи кишилар ҳаяжонли лаҳзалар иштирокчилари эдилар. Бир кун илгари кун бўйи ёққан ёмғир тўхтаган, ҳамма ёқни тоғ ҳавоси қамраган.

Сокинликни қудратли локомотивнинг гулдуроси бузади.

Денгиз сатҳидан 1200 метр баландликда турган биринчи ишчи поезди кўприк бўйлаб юра бошлади. Қурувчиларнинг, йўлсозлару ушбу онлардан қалблари қувончга тўлган маҳаллий аҳоли вакилларининг гулдурос қарсаклари теварак-атрофни тутади. Локомотив бир неча дақиқадан сўнг кўприкнинг нариги томонида ҳозир бўлади.

Ушбу кўприкнинг янги линия қурилишини давом эттиришда аҳамияти каттадир. Йўлнинг навбатдаги участкаларига темир бетон конструкцияларини етказиб бериш, янги темир изларни ётқизиш поездларнинг ишчи ҳаракатисиз амалга оширилиши мушкул.

Юртбошимизнинг раҳнамолиги ва қўллаб-қувватлашлари, ўзбекистонлик лойиҳачилар ва қурувчиларнинг ақл-идроки самараси ўлароқ яна бир салмоқли техник ютуққа эришилди. Ватанимизда ишлаб чиқарилган қурилиш материаллари ва конструкциялар асосида мураккаб муҳандислик ечимларни ўз ичига олган бундай кўприк Ҳамдўстликдаги бирорта давлатда кейинги ўн беш йил ичида қурилмаганини ҳисобга оладиган бўлсак, мамлакатимиз яратувчилик соҳасида қанчалик залворли қадамлар билан илгарилаб бораётганига яна бир карра амин бўламиз.

Янги кўприкдан биринчи поезд ўтди. Аср қурилиши деб ном олган иншоотни бунёд қилиш эса шиддат билан давом эттирилмоқда.

Сувонқул РУСТАМОВ,
«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси матбуот котиби.

СУРАТЛАРДА: «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон" линиясининг Қарадаҳна станцияси яқинидаги кўприкдан биринчи ишчи поезди ўтаётган пайт.

Муаллиф олган суратлар.

БАЙРАМЛАР ЮКСАК САВИЯДА ЎТАДИ

Фарғонада Наврўз умумхалқ байрамига ҳамда 8-март Халқаро хотин-қизлар кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда бир-бири билан уйғун мазкур баҳор айёмларини юксак савияда нишонлаш учун ташкилий қўмита тузилиб, тегишли тадбирлар белгилаб олинди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар бу борада бажарилиши лозим бўлган вазифалар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Хусусан, юртимизда Наврўз умумхалқ байрами олдидан улкан бунёдкорлик, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш аньанага айлангани таъкидланди.

Кам таъминланган оилалар, ногиронлар, қаровга муҳтож ёлғиз кишилар ҳолидан хабар олиш, уларга кўмак бериш Наврўзнинг энг яхши удумларидандир. Мана шундай хайрли ва саховатли ишларга бу йил ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Шунингдек, шаҳар ва туманларда, олис қишлоқ ва маҳаллаларда байрам сайилларини ўтказиш тадбирлари ҳам белгиланди.

Йиғилишда вилоят ҳокими Ш.Нурматов иштирок этди.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 10 февраль куни бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишидаги чиқиши хориждаги етакчи оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиши баробарида сиёсий арбоблар, иқтисодий шарҳловчилар ва таҳлилий марказлар томонидан кенг шарҳланди.

ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ

Маърузада ўз ифодасини топган муҳим масалаларга BBC, "Global Insight" Лондон тадқиқот маркази, Дойче пресс агентур (ДПА), Франс-пресс, ИТАР-ТАСС, Интерфакс ва бошқа таниқли **ахборот агентликлари** ўз ахборотларини бағишлади. Қатор электрон ОАВ маърузанинг тўла ёки қисқартирилган матнини рус ва инглиз тилларида ўз саҳифаларига жойлаштирди.

Ғарб оммавий ахборот воситалари эътибор қаратаётган асосий жиҳат бу — 2005 йилда Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсишда юқори суръатларга эришгани ҳамда етакчи тармоқларнинг ривожланиши, шунингдек, Ғарб бизнеси томонидан мамлакатимизга нисбатан ўсиб бораётган қизиқишдир.

Жумладан, *Британиядаги BBC* ўз шарҳида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ижобий ўзгаришларга хусусий сектор ҳиссасини кўпайтириш, қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, товар ва хизматлар бозорини либераллаштириш йўналтирилган саъй-ҳаракатлар, шунингдек, маъмурий ислоҳотларни ҳаётга кенг татбиқ этиш туфайли эришилгани ҳақидаги сўзларини келтирган.

Бозор ислоҳотларини рўёбга чиқариш юзасидан тизимли, изчил ва аниқ мақсад кўзланган саъй-ҳаракатлар, мамлакатни модернизациялашнинг пухта ишлаб чиқилган модели Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий ўсишининг натижаси бўлгани алоҳида таъкидланган.

"Франс-пресс" агентлиги Президент маърузасида тилга олинган рақамларни, жумладан, 2005 йилда ЯИМ ўсиши — 7 фоизни, саноат ишлаб чиқариши ўсиши — 7,3, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариши ўсиши — 6,2, пул қадрсизланиши — 7,8 фоизни ташкил этгани хусусидаги фикрларни ўз ўқувчиларига етказган. Агентлик шарҳида Президент томонидан 2005 йили Ўзбекистон ташқи савдосида ижобий сальдо ҳажми 1,3 миллиард АҚШ долларини ташкил қилгани баён этилгани ҳам таъкидланади.

Асосий ахборот агентликлари хабарлари орасида Ўзбекистон Президенти маърузасига баҳо берилган ҳолларни кузатиш мумкин. Жумладан, дунё иқтисодий жараёнлари таҳлилига ихтисослашган *"Global Insight" Лондон тадқиқот марказини*нинг Интернетдаги саҳифасидан жой олган материалда унга баҳо берар экан, Марказ Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов чиқишидаги асосий жиҳатларни батафсил келтиради. Бунда расмий статистика маълумотлари ҳукумат олдиндан режалаштирган макроиқтисодий кўрсаткичларга мос келиши қайд этилади. Ўзбекистон иқтисодий ривожланиши тўғрисида баён этилган рақамлар ҳаққониятни ифода қилишини "Global Insight" эътироф этган. "Global Insight"нинг башорат этишича, Ўзбекистон ҳукумати 2006 йилга режалаштирган иқтисодий кўрсаткичлар, умуман олганда, амалга ошиши керак. Бунда мамлакат иқтисодий ҳаётининг турли соҳаларидаги ҳуқуқий меъёрларни татбиқ этиш жараёни изчиллиги қайд этилади.

"Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал ўсиши". *Дойче пресс агентур (ДПА) немис ахборот агентлиги* Ўзбекистон Президенти маърузаси ҳақидаги мақолани ана шундай номлаган. Унда "2005 йили Ўзбекистон иқтисодиёти жадал суръатларда ўсди" дея қайд этилади. ЯИМ ҳажми 7,0 фоизга ўсгани ҳақидаги рақамлар, ЯИМ ҳажми қарийб 10,6 миллиард еврони ташкил қилгани келтирилади. "Саноат ишлаб чиқариши 7,3% кўпайиб, мамлакатнинг пахта етиштиришга қарамлигини қисқартирди. Ташқи савдода 1,08 миллиард евро миқдорида ижобий сальдога эришилди. Ўзбекистон Марказий Осиё барқарорлиги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга", деб ёзади агентлик.

"Доу Жонс" агентлиги (ҒФР) "Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни давом эттирмоқда" сарлавҳали хабар тарқатди. Унда айнан қуйидаги сатрлар бор: "Ўзбекистон ўтган йили иқтисодий ислоҳотларни давом эттирди. Марказий Осиёдаги бу республиканинг Берлиндаги элчихонаси тарқатган матбуот-релизига кўра, Ўзбекистонда барқарор иқтисодий тараққиётнинг муҳим асослари кузатилмоқда. Чунончи, 2005 йилда мамлакат ЯИМ 7 фоизга, саноат ишлаб чиқариши 7,3 фоизга ҳамда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариши 17,7 фоизга ўсди. Ташқи савдо ҳажмининг ижобий сальдоси 1,3 миллиард АҚШ долларидан ошди.

(Давоми 2-бетда).

Навоийни дунё улуғлайди

Тахтакўпир туман ҳокимлиги «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида мутахассислар ва жамоатчилик вакилларидан иборат тарғибот гуруҳи тузган эди.

Тарғибот гуруҳи овулда

Ушбу гуруҳ «Муйтановул» қишлоқ врачлик масканида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишларга амалий кўмак берди. Шифо маскани 1815 нафар фуқарога, шу жумладан, 415 нафар туғиш ёшидаги аёлларга хизмат кўрсатади.

— Кейинги пайтда масканимизга 13 миллион сўмлик замонавий тиббиёт ускуналари ўрнатилди, — дейди ҚВП раҳбари Олмагул Пиржонова. — Ҳомийларимиз сони ортиб бораётгани қувончлидир.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Кобулда буюк ўзбек шоири Алишер Навоий таваллудининг 565 йиллиги муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда мамлакат парламентининг юқори ва қуйи палатаси раислари Себғатулла Моджадеди ва Юнус Қануни, парламент депутатлари, ҳукумат аъзолари, шимолий вилоятлар оқсоқоллари, Афғонистоннинг бир гуруҳ олим ва жамоатчилиги вакиллари ҳамда Кобулда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Тадбирни Афғонистон Ислом Республикаси парламент ишлари бўйича давлат вазири, Вазирлар Маҳкамаси котибияти мудири Фарук Вардак очиб, йиғилганларга мамлакат президенти Ҳамид Карзай табрикномасини ўқиб эшиттирди.

Маданият ва ахборот вазири Саид Рахин Навоий ижоди ва буюк сиймосининг бугунги ва келажак авлодлар учун аҳамияти, Афғонистонда ЮНЕСКО билан ҳамкорликда тарихий обидаларни асраш ва тиклаш борасидаги амалга оширилаётган ишлар тўғрисида йиғилганларга сўзлаб берди. Навоийнинг Ҳиротдаги мақбарасини Ўзбекистон Республикаси ҳисобига қуриш ва унинг ҳудудини ободонлаштириш бўйича мамлакатимиз ташаббуси алоҳида қайд этилди.

Мазкур йиғилишда Алишер Навоий туғилган кунини ҳар йили Ҳирот ва Кобул шаҳарларида тантанали равишда ўтказиш ва буюк шоир ҳаёти ҳамда ижоди билан боғлиқ тарихий ёдгорликлар мажмуасини сақлаш ҳамда мамлакатнинг шимолий вилоятларидаги мактаб ва мадрасаларга Навоий номини бериш бўйича чора-тадбирлар кўриш юзасидан Маданият ва ахборот вазирлигига таклиф билан мурожаат қилишга келишиб олинди.

* * *

Брюсселда буюк бобокалонимиз Алишер Навоий ижодий меросига бағишланган конференция бўлиб ўтди. У Брюссель жаҳон тиллари ва таржимонлар олий институти томонидан мамлакатимизнинг Бельгиядаги элчихонаси кўмагида ташкил этилди.

Анжуманда Бельгия сиёсий, ишбилармон, академик ва маданий доиралари, халқаро ташкилотлар, дипломатия корпуси вакиллари, журналистлар ҳамда олий ўқув юртларининг талабалари иштирок этди.

Брюссель жаҳон тиллари ва таржимонлар олий институти директори Ф. Де Лает анжуманни очар экан, Алишер Навоий нафақат буюк шоир ва мутафаккир, балки ўзбек тили асосчиси, бу тилнинг бой ва бетакрорлигини бутун дунёга муносиб равишда намойиш қилган буюк аллома эканини таъкидлади.

Брюссель озод университети фахрий профессори, таниқли олим Ж.Бланкоф кўҳна тараққиётга эга бўлган ўзбеклар юрти тарихан маданий ва динлараро мулоқотда муҳим ўрин тутиб келишини қайд этиши баробарида Алишер Навоий ўзидан жуда бой адабий мерос қолдиргани хусусида алоҳида тўхталди.

Шунингдек, тадбирда Брюссель жаҳон тиллари ва таржимонлар олий институти талабалари ҳам навбат олишиб, француз, инглиз, немис ва рус тилларида Навоий шеърларидан намуналар ўқишди.

Мамлакатимизнинг Бельгиядаги элчиси В.Норов буюк шоир ижодий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш юзасидан Ўзбекистон ҳукумати олиб бораётган ишлар ҳамда республикамизда демократик ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг бориши тўғрисида атрофлича маълумот берди.

«Жаҳон» АА.

Ислоҳот одимлари

ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бундай салмоқли ўсиш суръатларини сақлаб қолаётган Ўзбекистон Марказий Осиёдаги аҳолиси энг зич жойлашган мамлакат сифатида хорижий сармоядорлар учун янада жозибадор бўлиб бормоқда, шу билан бирга у иқтисодий шерикчилик ва замонавий технологияларни жорий этиш соҳасидаги ҳамкорлик учун беқиёс салоҳият соҳибига айланиб бормоқда.

Ўзбекистон ҳукуматининг саъй-ҳаракатлари мамлакатда халқаро кооперация учун зарур шарт-шароитларни яратишга йўналтирилгандир. 1991 йили мустақилликка эришганидан буён Ўзбекистон Германиянинг минтақадаги энг муҳим савдо ва иқтисодий ҳамкорларидан бирига айланди. Ҳозирги пайтда 55 дан зиёд немис компанияси ва 4 та йирик банк Ўзбекистонда ўз ваколатхоналарига эга. 30 дан ортиқ немис компанияси умумий қиймати 500 миллион еврони ташкил этадиган турли сармоявий лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этмоқда. Шу билан бирга, Германия ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо ҳамда сармоявий салоҳият салмоғи ҳали чексиздир".

Европалик экспертлар ўз баҳоларида иқтисодиётни эркинлаштириш ва хусусий секторни ривожлантиришда эришилган натижаларга алоҳида эътибор қаратдилар. *Германия Федерал иқтисодиёт ва технологиялар вазирлигининг вазирликлараро экспортни молиялаштириш қўмитасининг раиси Ханс-Йахим Хенкелнинг таъкидлашича,* маърузада айтиб ўтилган иқтисодий ўсиш ва иқтисодиёт ривожининг ижобий кўрсаткичлари, шунингдек, республикада амалга оширилаётган интенсив ислоҳотлар йўли ОЭСР таснифи бўйича Ўзбекистоннинг рейтинг кўрсаткичини ошириш учун асос бўла олади.

Франция парламенти фахрий аъзоси, "UMP" ҳукмрон партиясининг дипломатия маслаҳатчиси Оливье Стирн Европа мамлакатларида кичик ва ўрта корхоналар сектори иқтисодиётнинг салмоқли қисмини ташкил этишини таъкидлади. Шу маънода у 2005 йил Ўзбекистонда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда бурилиш ясаганини яхши аломат, деб ҳисоблайди. Бу, шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш учун ҳам хизмат қилади.

Унинг фикрича, назорат қилувчи органларнинг корхоналар фаолиятига аралашуви камайгани, хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқ доирасининг кенгайтирилгани муҳим аҳамият касб этиб, иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш мантиқига тўла жавоб беради. У, шунингдек, Ўзбекистон экспортида тайёр маҳсулот ҳажмининг ортиб бораётгани мамлакатнинг йирик илмий-саноат салоҳиятидан далолат беришини айтиб ўтди.

Брюссель — пойтахт ҳудуди ҳукуматининг Ташқи иқтисодий алоқалар департаменти директори В.Де.Кук Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов маърузасини катта қизиқиш билан ўқиганини қайд этар экан, Ўзбекистоннинг 2005 йилдаги иқтисодий кўрсаткичлари ва мамлакатнинг 2006 йилдаги иқтисодий ривожланиши истиқболларини юқори баҳолади. В.Де.Кук Брюссель — пойтахт ҳудуди ҳукумати айни пайтда 2007 йил тадбирлари режаси устида иш олиб бораётганини таъкидлади. Шу муносабат билан у Ўзбекистон Президенти маърузаси Бельгиянинг яқин йилларда Ўзбекистон билан ҳамкорлигини янада ривожлантириш юзасидан муштарак ташаббусларни тақдим этиш учун Валлония ва Фландрия ҳудудларидаги ҳамкасблари ишончларини мустаҳкамлаш борасида муҳим ҳужжат эканлигини қайд этди. Шу ўринда В.Де Кук Брюссель — пойтахт ҳудуди ҳукуматининг Валлония экспорт агентлиги ва Фламандия савдо ва сармоялар агентлиги иштирокида Ўзбекистон билан ўзаро ташрифларни ташкил этиш, семинар ва бошқа тадбирларни ўтказиш орқали ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр эканлигини таъкидлади.

Бельгиянинг *"ЭНЕКС процесс инжиниринг" компанияси директори К.Мин* ўз шарҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси бўйича амалга оширилган тизимли ўзгаришлар изчил ҳаракат режаси борлигини ҳамда барқарор иқтисодий ўсишни фақат иқтисодиёти глобал бозорда фаол иштирок этаётган давлатларгина таъминлай олишининг ёрқин тушунчаси мавжуд эканлигини намоён этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти маърузаси билан танишган ҳар бир бизнесмен унинг сиёсатининг изчиллиги ва донолигини юқори баҳолайди, деб таъкидлади К.Мин. Президент И.А.Каримов мамлакатдаги иқтисодий вазиятни чуқур таҳлил этиш билан бирга ислоҳотларни янада чуқурлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқади, амалга ошириш муддатларини белгилайди. Бельгиялик тадбиркорнинг фикрича, етакчиликнинг бундай шакли Ўзбекистон иқтисодиёти ўсишини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган самарали ва ўз вақтида жорий қилинган чора-тадбирлар кафолатини таъминлайди.

К.Мин юридик шахслар даромадидан олинадиган солиқни янада камайтириш масаласи бўйича Ўзбекистон ҳукуматининг қатъий чораларини алоҳида кўрсатди. Марказда ва жойларда назорат тизимлари ва бошқарув идоралари амал қилиши ва бошқаруви самарадорлигини таъминлайдиган маъмурий ислоҳотлар билан биргаликда ушбу чора мамлакатда қулай бизнес муҳитини шакллантириш учун замин яратади.

Австрия Федерал иқтисодий палатасининг вице-президенти Р.Шенц 2005 йил ноябрида австриялик бизнесменлар ҳайъати бошчилигида Ўзбекистонга ташриф буюриш ва республикада амалга оширилаётган улкан ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар билан шахсан танишиш имконига эга бўлгани боис Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишининг умидбахш истиқболларига тўла ишонишини изҳор этди. У Ўзбекистоннинг "собиқ шўролар ҳудудидаги иқтисодиёти бир қадар барқарор ривожланиб бораётган мамлакатлар" сирасига киришини алоҳида таъкидлади. Р. Шенцнинг фикрича, республикада мавжуд бўлган бой ресурслар базаси, катта сиёсий салоҳият ва ривожланган инфратузилма давлатнинг вазмин иқтисодий сиёсати билан ҳамоҳанг эканлиги бундан кейинги иқтисодий ўсишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Р.Шенц иқтисодий соҳада давлат идоралари ваколатларини белгилаш ва фаолиятириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашишларни чеклаш бўйича Ўзбекистон раҳбарияти ташаббуси билан амалга оширилаётган чора-тадбирларни юқори баҳолади. У, шунингдек, тадбиркорлик маданияти, иқтисодиётнинг турли соҳаларида хусусий тадбиркорлар ва маблағларнинг иштироки учун рақобатчилик заминини яратиш муҳимлигини ҳам қайд этди. Р. Шенцнинг фикрига кўра, минтақавий ва халқаро иқтисодий бирлашмаларда иштирок этиш орқали мамлакатнинг глобал иқтисодиётга янада интеграциялашуви Ўзбекистон иқтисодиёти бундан кейинги ўсишининг муҳим шартидир. Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига қўшилишининг муҳим ва долзарблиги ҳам таъкидланди.

«Евроосиё гуруҳи» халқаро таҳлил марказининг эксперти Каан Назли 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга йўналтирилган устувор йўналишлар Ўзбекистон Президенти томонидан белгилаб берилгани мамлакатнинг аниқ мақсад билан бозор иқтисодиёти сари ҳаракатланаётганидан яна бир карра гувоҳлик беришини айтди. Давлат олдига қўйилган жорий йилдаги устувор ижтимоий-иқтисодий вазифаларни рўёбга чиқариш Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлашда, хусусан, бюджет секторида ижобий натижаларга эришишда муҳим аҳамият касб этади.

*Исроил яҳудий университети ҳузуридаги Осиё ва Африка мамлакатлари институтининг эксперти доктор Владимир Месамед*нинг ҳисоблашича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маърузасида берилган баҳолар вазмин ва баёнлар аниқ далиллар асосидадир. Янги йилда кутилаётган кўрсаткичлар ҳамда иқтисодиёт ислоҳотининг асосий йўналишлари яқинда ортда қолган йилдаги ниҳоятда жиддий ютуқларга таянади. Аёнки, эришилган муваффақиятлар кишини келажакка ишонч билан қарашга ундайди. Режалаштирилган кўрсаткичлардан ўзиб кетган ўсишнинг юқори суръатлари Ўзбекистон ривожланишининг иқтисодий стратегияси волюнтаристик равишда эмас, балки у чуқур ижтимоий-иқтисодий таҳлилга таянгани ишонарлилигини кўрсатади.

Хорижий матбуот, расмий ва экспертлар гуруҳи томонидан билдирилаётган фикр-мулоҳазаларнинг дастлабки таҳлили Ўзбекистонда бораётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларга қизиқиш катта эканлигини ва мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотларни чет эллик кузатувчилар ижобий баҳолаётганини кўрсатади.

"Жаҳон" АА.

Ўзбекистон иқтисодиётининг «тезюрар поезди»

Президент Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаб берди. Мазкур устуворликлар иқтисодиёт соҳасида 2005 йилда эришилган натижаларнинг мустаҳкам асосига, яъни ЯИМ ўсиш суръати, саноат ишлаб чиқариши ва истеъмол ҳажмининг ўсишига таяниб, Ўзбекистонни Осиёнинг энг фаол мамлакатлари қаторига қўяди. Буларнинг барчаси сўнгги йилларда Ислом Каримов томонидан таклиф этилган сиёсий ва институтционал ислоҳотлар мамлакатни ривожлантиришга кўмаклашаётганидан далолат бериши баробарида мамлакат иқтисодиётининг конструктив тизимли трансформациясига ўз таъсирини ҳам кўрсатмоқда.

Хитой ва Ҳиндистон бошчилик қилаётган Осиё поездида Ўзбекистон энг тезкор, ишончли ва илғор вагонлардан бирига ўхшайди.

Иқтисодиётни либераллаштириш борасидаги чора-тадбирлар Европа ҳамжамияти билан биргаликда амалга оширилаётган янги лойиҳалар томонидан қўллаб-қувватланган ҳолда 2005 йилда жуда яхши натижалар бериб, иқтисодий ўсиш суръатини тезлаштирди, савдо, саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги маҳсулот ўсишини таъминлашда тобора каттароқ аҳамият касб этаётган кичик ва ўрта корхоналар тизимини ўз ортидан эргаштирди.

2005 йил натижаларига таянган ҳолда ҳукумат айни пайтда солиқ ва бюджет ислоҳотидан тортиб, иқтисодиётни мажмуавий замонавийлаштириш сингари кенг миқёсли масалалар доирасини қамраб олувчи янги устуворликларни белгилади.

Ҳукумат томонидан белгиланган энг муҳим устуворликлар орасида хусусий мулкчиликни ривожлантириш, меҳнат бандлигини ошириш ва экспорт ҳамда жамғармалар ҳажмини кўпайтириш йўлидаги ташкилий жараёнларни тезлаштириш муҳим ўрин тутади. Қурилиш ва коммунал хизматлар соҳасидаги ислоҳотлар фаровонликни ошириш ва мамлакатнинг барча ҳудудларини, шу жумладан, қишлоқ аҳоли пунктлари, шаҳар марказидан узоқда жойлашган ҳудудларни ривожлантиришни кўзда тутаётгани аниқ.

Буларнинг барчаси Ўрта Осиё минтақасида тобора илғор ўринларни эгаллаётган ва Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятининг янги аъзоси сифатида муҳим аҳамият касб этиши лозим бўлган мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти учун қулай шароит яратишга қаратилган.

Президент Ислом Каримов осиёлик гигантлар билан бўлгани каби Европа гигантлари билан ҳам сиёсий ва иқтисодий муносабатларни янада қатъий мустаҳкамламоқдаки, улар қадимий цивилизация ва маданиятга эга бўлган Ўзбекистонга геоиқтисодий алмашувлар имконияти ҳамда икки кўҳна цивилизация ўчоқлари ўртасидаги мулоқотлар боис, шунингдек, ўтган асрлар давомидаги иқтисодий ўсишлар ва босқичлар туфайли ҳамиша назар солиб келган.

Антонио ЛОКЕ,
Италия Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Осиё ва Ўрта Ер денгизи мамлакатлари институтининг Бош котиби.

Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси олдидан

"Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тартиб-таомиллари соддалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги мажлиси муҳокамасига киритилиши режалаштирилмоқда. Ушбу ҳужжат тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш, маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш жараёнини соддалаштириш ва бу борада суньий бюрократик тўсиқларни бартараф этишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

ИМКОНИЯТЛАР ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Эркин Боқибоевнинг таъкидлашича, мазкур ҳужжат саккизта моддадан иборат. Унинг дастлабки еттита моддасида "Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида"ги, "Уруғчилик тўғрисида"ги, "Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги, "Темир йўл транспорти тўғрисида"ги, "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги, "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги ва "Туризм тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган. Унинг охирги моддаси эса Қонуннинг кучга киритиш тартибини белгилашга бағишланади.

Айни пайтда юқори палатанинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасида ушбу ҳужжат атрофлича ўрганилиб, Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлиси муҳокамасига тайёрланмоқда.

— Маълумки, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга, юридик ва жисмоний шахсларнинг молмулкига зарар етказиши мумкин бўлган маҳсулотларни тайёрлаш, улардан фойдаланишнинг олдини олиш каби масалалар билан "Ўзстандарт" агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа тегишли ташкилотлар фаолият соҳасига қараб шуғулланади, — дейди мазкур қўмита раиси ўринбосари Э. Боқибоев. — Айтиш жоизки, "Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунида бундай талаблар бўлмагани боис, давлат бошқарувининг қайсидир органи уларнинг ишлаб чиқилишини таъминлаши лозимлиги белгиланмаган эди. Ушбу Қонуннинг "Мажбурий сертификатлаштиришни жорий этиш" деб номланган 10-моддасига киритилаётган ўзгартишларда "Ўзстандарт" агентлиги ана шундай орган сифатида белгиланмоқда. У давлат бошқарувининг бошқа органлари билан биргаликда зарур талабномаларнинг ишлаб чиқилиши ва амалга киритилишини таъминлаши шарт.

Шунингдек, сухбатдошимиз юқорида таъкидланган қонун ҳужжатларига киритилиши мўлжалланаётган ўзгартишлар хусусида ҳам тўхталиб ўтди. Хусусан, "Уруғчилик тўғрисида"ги Қонунда "сертификатланган уруғликлар" деган атама "репродукцион уруғликлар" деган атамага тенглаштириб қўйилган. Бунда, табиийки, сертификатлаштиришдан ўтказилмаган репродукцион уруғликларни сертификатланган уруғликларга тенглаштириш тўғри бўлармикин, деган савол туғилади. Ана шу зиддиятдан халос бўлиш мақсадида ушбу ҳужжатнинг асосий тушунчаларга бағишланган 1-моддасида "сертификатланган (репродукцион) уруғликлар" атамаси "репродукцион уруғликлар" жумласи билан алмаштирилмоқда.

Бундан ташқари, "Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган ва унинг ҳудудига олиб кирилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда ускуналарни давлат рўйхатидан ўтказиш бундан буён Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан эмас, балки гигиена сертификати берилаётганда давлат санитария назорати органлари томонидан амалга оширилиши белгиланмоқда.

"Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуннинг транспорт воситалари конструкцияларини таёрлашда қўйиладиган талабларни тартибга солувчи 12-моддасида белгиланишича, транспорт воситаларининг барча конструкциялари мажбурий сертификатлаштирилиши лозим. Киритилаётган ўзгартишлар эса ушбу маҳсулотларнинг Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатига киритилган тақдирдагина сертификатлаштирилиши зарур эканлигини назарда тутади. "Темир йўл транспорти тўғрисида"ги Қонунга ҳам айни шундай ўзгартиш киритилиши мазкур ҳужжатнинг 21-моддаси темир йўл транспортига етказиб бериладиган техника воситалари ва механизмларнинг, шунингдек, йўловчиларга кўрсатиладиган хизматларининг барчаси сертификатлаштирилиши зарурлигини назарда тутади. "Туризм тўғрисида"ги Қонунда эса туристик фаолият субъектининг ўз хизматларни мажбурий сертификатлаштиришдан бош тортиши каби айрим масалалар ҳамда туристик хизматлар кўрсатиш учун берилган лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш ва ундан маҳрум этиш ҳақидаги қисми чиқариб ташланмоқда. Чунки "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонунда ушбу кўрсатмалар атрофлича баён қилинган. Демак, ортиқча қайтариқларга ҳожат йўқ.

"Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тартиб таомиллари соддалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун сухбатдошимиз таъкидлаб ўтганидек, ватанимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар, тадбиркорлик фаолиятини олиб бораётган ишбилармонларга имтиёзлар ва қулайликлар яратилишига қаратилган. Бу эса шубҳасиз, ички бозоримизни сифатли ва арзон халқ истеъмол моллари билан тўлишига, халқимизга юқори савияда хизмат кўрсатилишига имкониятлар яратади.

Зиёда АШУРОВА.

Огоҳлик — давр талаби

Маҳалламиз номи «Оқибат»

Жаҳон оммавий ахборот воситаларида деярли ҳар куни у ёки бу мамлакатда амалга оширилган қўпорувчиликлар ҳақида хабарлар тарқатилмоқда. Дарҳақиқат, аср балоси — террорчиликка қарши кураш бугун долзарб муаммолигича қолаяпти. Табиийки, мамлакатимизда улуғ неъмат — осойишта турмушимизни асраш, уни бузишга қаратилган ҳаракатларнинг олдини олиш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш давр тақозосидир. Фуқароларимизнинг огоҳлиги, ён-веримизда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ қарамаслик бугунги кунда катта аҳамият касб этади. Шу билан бирга, маҳаллада ва ҳуқуқ-тартибот органларининг ҳамкорлиги ҳам осойишта ҳаётимизни сақлашда муҳим ўрин тутади.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани «Оқибат» маҳалласида бўлиб, аҳоли осойишталигини асраш, уларнинг доим огоҳ бўлишлари учун қилинаётган ишлар билан танишдик.

Маҳаллада 22 та қўпқаватли уй бўлиб, унда 2583 фуқаро истиқомат қилмоқда. Маҳалла маъмурияти уй бошқарувчилари билан хонадонларда яшовчиларни қайта рўйхатдан ўтказган. Бундан ташқари, ҳар бир йўлакдаги эшиклар махсус қолли ускуналар билан жиҳозланган.

— Адбатта, бу ишлар фуқароларимиз осойишталигини сақлаш учун етарли эмас, — дейди биз билан суҳбатда «Оқибат» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зуҳра Аъзамхўжаева. — Шу туфайли маҳаллада, мактаблар ва бошқа жамоат жойларида аҳолининг огоҳ бўлиши, тинч ҳаётимизни асраш қанчалик муҳимлиги бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқдамиз. Бу борада айниқса, ёшлар тарбиясига катта эътибор қаратилаётир.

Маҳалла раиси билан суҳбатдан маълум бўлишича, жорий йилда ҳудудда огоҳлик, ёшларни спорт ва фойдали меҳнатга жалб қилиш бўйича кенг кўламли тадбирлар ўтказиш режалаштирилган. Ҳозир маҳалладаги спорт мажмуалари ва майдончаларини таъмирлаш, уларни зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун 16 турдаги спорт анжоми келтирилган.

— Одамларимиз хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида участка қошида оқсоқоллар, посбонлардан иборат махсус гуруҳ тузилган, — дея гап бошлади 98-милиция таянч пункти профилактика инспектори, капитан Баҳодир Отақулов. — Ушбу гуруҳ ҳар куни кечқурун йиғилиб, маҳаллада юз берган воқеаларни таҳлил қилиши ўз самарасини бермоқда. Масалан, ҳудудда январь ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан жиноятчилик ва турли ҳуқуқбузарликлар қарийб тенг ярмига камайди. Шунингдек, Ички ишлар вазирлиги томонидан ўтказилаётган «Ўсмир» тадбири ҳудудда вояга етмаганлар билан ишлашни янада жадаллаштиришга хизмат қилаяпти.

Салим ДОНИЁРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: «Оқибат» маҳалла фуқаролар йиғини раиси З. Аъзамхўжаева, участка нозири Б.Отақулов маҳалладошлари билан суҳбатлашмоқда.

Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

ҚЎЛТИҚТАЁҚ ОЁҚ БЎЛМАС

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий Дастури тўғрисида»ги Фармонига кўра, 2005 йилда Сурхондарё вилоятида 2 та янги мактаб қурилиб, 47 та мактаб мукаммал таъмирланди. Режада белгиланган 23 та мактабдан 22 таси тубдан реконструкция қилинди. Бу хайрли ишларга 8 миллиард 345 миллион сўм маблағ сарфланди.

Фармон ва ижро

Шўрчи туманидаги 29-умумий ўрта таълим мактаби режага киритилгану капитал реконструкцияси ҳалигача ниҳоясига етказилмаган объект. Тендер танловида объектни «Тараққиёт» масъулияти чекланган жамияти (раҳбари С. Худойқулов) ютиб олган. 2005 йил август ойида фойдаланишга топширамиз, деб танлов ҳайъатини ишонтирган. Бу гапга «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси ҳам лаққа тушиб, «Тараққиёт»нинг ҳисоб рақамини неча ўн миллион сўм пуллар билан қаппайтирган.

«Тараққиёт» пойга бошидан суст кетди. Суст кетиши табиий эди: муқим ишлайдиган ишчилари йўқ. Техника воситалари мутаҳассислари ҳаминқадар. Шу тариқа «Тараққиёт» туман ҳокимлигию халқ таълими бўлими учун тайёр бош оғриғига айланди-қўйди.

— Пайтавамизга қурт тушиб, кунимиз ўша қурилиш бошида ўтадиган бўлиб қолди, — дейди халқ таълими бўлимининг қурилиш муҳандиси Баҳром Исаев. — Иморат томига босилган синиқ плитани алмаштир, деймиз. Ғиштнинг тўғри-нотўғри терилаётганини кузатамиз, пудратчига ишчи топиб берамиз...

— 576 нафар ўқувчимиз бор, — дейди мактаб директори Гулнора Ҳайдарова. — Капитал реконструкция давомида «Тараққиёт» бизга 140 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 4 та синфхона қуриб бермоғи лозим эди. Пудратчининг қовун туширгани бизга қимматга тушди. Ҳозиргача икки синф ораси ёпилмаган. Полга тўшаб қўйган ленолиумлари қотирилмаган. Цементи кам бўлгани учунми, полга сувалган бетон қоришма яхши қотмай уваланиб ётибди. Эшиклар яхши ёпилмайди. Ҳакамлар, билмадим, қайси жиҳатларига маҳлиё бўлиб «Тараққиёт»га ғолибликни иньом қилган экан.

Қистадилар. Қамчилаб кўрдилар. Бўлмади. Вилоят «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси мутахассиси Ойбек Отақуловнинг айтишича, «Тараққиёт» буюртмачидан 136 миллион 625 минг сўм пулни олишга олди-ю, шу маблағнинг ярмига яраша ҳам иш бажармади. Спортзал қурилиши чала қолди. Ҳовли деворларини кўтаришга қўл урилмади. Объект ана шундай ўлда-жўлда аҳволда ўтган йилнинг охирида бошқа пудратчи — «Хизмат» хусусий корхонаси зиммасига ўтказиб берилди.

Дарвоқе, пудратчидан пудратчига алмашган фақат 29-мактаб эмас. Ангор туманидаги 3-мактабни мукаммал тўлиқ таъмирлашга чоғланиб кўрган «Қарши Ҳайит» кичик корхонаси ҳам ишга хол қўйган эди. Лекин бу хато вақтида тузатилиб, объект қурилиши 2005 йил март ойидан «Ангорцемент» қўшма корхонасига ўтказилган эди. Айтмоқчимизки, мабодо «Тараққиёт»га нисбатан ҳам ўз вақтида ана шундай чора кўрилганида Шўрчидаги 29-мактаб ўқувчилари бугунгидай тор жойда тиқилишиб ўтиришмас эди.

Хўш, шунга ўхшаш ҳолатларнинг такрорланмаслиги учун эндиликда нима чора-тадбирлар кўриляпти, деб сўрарсиз. Дастур юзасидан 2006 йил учун ўтказилган тендер савдосида туманларнинг халқ таълими бўлимлари мутахассислари ва раҳбарлари иштироки таъминланди. Ҳар қачонгидек бу гал ҳам тендер савдоси ҳалол ва ҳаққоний тамойилларга асосланиб ўтказилди деб баҳолашмоқда. «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясидагилар, биз қатиқни ҳам пуфлаб ичадиган бўлиб қолдик. Айрим пудратчиларнинг найрангларидан димоғимиз куйиб қолмасин деяпмиз, деб айтмоқдалар.

Хуллас, Дастур ижросининг 2006 йил босқичига кўра вилоятда 4 та умумий ўрта таълим мактаби қурилиши, 37 та мактабнинг капитал реконструкцияси ва 52 та мактабнинг тўлиқ таъмири бошлаб юборилди. Вақт энг одил ҳакам. Бу объектлар учун ўтказилган тендер савдоларининг қай даражада ҳаққонийлиги ғалвир сувдан кўтарилгандан сўнг билинар. Биз бўлса, ҳозирча вақтида «Тараққиёт»ни ва «Қарши Ҳайит»ни қўлтиғидан суяб пойгага қўшиб қўйган акаларнинг ишларидан ажабланиб, қўлтиқтаёқ оёқ бўлмас, деган нақлни эслатиш билан кифояланиб турамиз.

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Шахмат

МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Тошкентда Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари — Афғонистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон шахмат федерациялари президентлари ва бош котибларининг Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) вице-президенти З.Азмайпарашвили (Грузия) ва мазкур ташкилот бош котиби И.Леонг (Сингапур) билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда ҳам минтақада, ҳам дунё миқёсида шахматни ривожлантириш ва оммалаштириш билан боғлиқ долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Учрашув қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизда ва умуман Марказий Осиё минтақасида шахматни ривожлантиришга қаратаётган эътибори ва саъй-ҳаракатларига юқори баҳо бердилар. Бу кўп жиҳатдан Ўзбекистон вакили Р.Қосимжоновга 2004 йилда жаҳон чемпиони бўлиш ҳамда Ўзбекистон терма жамоасига шахмат олимпиадасида кумуш медалларни қўлга киритиш имконини берди.

Ўзбекистон шахмат федерацияси ташаббусига кўра Тошкентда 2006 йил август ойининг иккинчи ярмида дунёнинг етакчи шахматчилари иштирокида Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган халқаро опен-турнир ўтказишга қарор қилинди. ФИДЕ вакиллари бу мусобақаларни ташкил этишда ёрдам кўрсатишларини билдирди.

Шунингдек, учрашувда ФИДЕ президенти соврини учун "Гран-при" турнирини ўтказиш ва Марказий Осиё минтақаси шахмат уюшмасини ташкил этиш имкониятлари муҳокама қилинди. Мазкур масалалар юзасидан якуний қарор ФИДЕнинг келгуси конгрессида қабул қилинади.

Учрашув қатнашчилари ФИДЕ президенти лавозимига бўладиган сайловларда ФИДЕнинг амалдаги президенти К.Илюмжинов (Россия) номзодини қўллаб- қувватлашини баён этди.

(ЎзА).

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Европада хавфли вирус

Венгриянинг Бач-Кишкун вилоятидаги аҳоли пунктларидан бирида парранда гриппидан нобуд бўлган учта қуш топилган. Ушбу ҳолат ҳақидаги хабар тарқалгандан сўнг Венгрия бош вазири Ференц Дюрчань шошилинч тарзда йиғилиш ўтказди. Унинг журналистларга берган интервьюсида таъкидланишича, айни пайтда вирус топилган ҳудудда карантин эълон қилинган ва аҳоли пунктига борувчи барча йўллар беркитилган.

Дюрчаннинг қайд этишича, вирус тарқалишининг олдини олиш бўйича ҳукумат чора-тадбирлар режасини ишлаб чиққан. Биринчи навбатда парранда фабрикалари ишчилари эмланади.

Мазкур вируснинг Европага етиб келиши минтақадаги барча давлатлар ҳукуматларининг хавотирига сабаб бўлаяпти. Нидерландия, Франция, Норвегия, Дания, Германия ва Швецияда хонаки паррандаларни ёпиқ жойларда сақлашга киришилди.

Қонунга ўзгартишлар киритилади

Ўтган йил 7 июлда Лондонда амалга оширилган террорчилик ҳаракатларидан сўнг Буюк Британия парламенти томонидан терроризмга қарши курашиш тўғрисида қонун қабул қилинганди. Айни пайтда парламентда ушбу қонунга ўзгартириш киритиш масаласи кўтарилмоқда. Унга кўра, терроризмни улуғлаш ёки зўравонликларни амалга оширган кишиларни рағбатлантириш тақиқланади. Расмий Лондон вакилларининг сўзларига қараганда, ушбу чекловнинг татбиқ қилиниши мамлакатда ўта радикал фикрловчиларининг камайишига олиб келади.

Интеграция жараёни ниҳоясига етди

Президент Сергей Багапш парламентда қилган чиқишида Абхазия Россия таркибига киришга тайёрлигини билдирди. У Абхазиянинг Россия билан интеграциялашув жараёни ўз ниҳоясига етганини таъкидлади.

Сергей Багапшнинг «Интерфакс» ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида Абхазия иқтисодиётининг ривожи ҳар жиҳатдан Россия билан боғлиқлиги ва ушбу давлат билан интеграциялашув жараёнлари тўлиқ мамлакат қонунлари асосида амалга оширилаётганини айтди.

Маълумотларга қараганда, айни пайтда Абхазия аҳолисининг 80 фоизи Россия фуқаролигини олган.

Парламент тарқатиб юборилди

Италия Президенти Карло Чампи мамлакат парламенти тарқатилганлигини ва сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилди. Парламент сайловлари жорий йилнинг 9 апрелида ўтказилади. Кузатувчилар сайловолди кампаниясида асосий кураш амалдаги бош вазир Сильвио Берлускони бошчилигидаги ўнглар иттифоқи ва Романи Проди етакчилик қилаётган сўллар иттифоқи ўртасида кечишини тахмин қилишаяпти.

Ўтказилган сўровномалар натижаларига кўра, аҳолининг аксарияти Романи Продини қўллаб-қувватлайди. Бироқ вазият яна ўзгариши мумкин. Чунки сўровномада иштирок этган ҳар уч респондентдан бир нафари бу масалада ҳали бир қарорга келмаганлигини билдирган.

ЖСТга бир баҳя

Россия Жаҳон савдо ташкилотига жорий йилнинг кузида аъзо бўлиб кириши мумкин. Бу ҳақда Россия Иқтисодиётни ривожлантириш вазирлигининг савдо масалалари департаменти директори Максим Медведков маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, мазкур халқаро ташкилот билан музокараларнинг натижаси шу йил апрель ойидаёқ маълум бўлади.

Мудофаа вазири фитначими?

Молдавиянинг собиқ мудофаа вазири Валерий Пасатга нисбатан айблов эълон қилинди. У давлат тўнтаришини амалга оширишга уринганликда гумон қилинмоқда. «Интерфакс» ахборот агентлигининг Молдавия бош прокуратурасидан олган маълумотга таяниб тарқатган хабарида айтилишича, Пасат мудофаа вазирининг собиқ ўринбосари Анатолий Губогло ва бир қатор юқори лавозимли шахслар билан тил бириктириб, ҳукумат тепасига келишни режалаштирган. Фитначилар бу ниятларини амалга ошириш мақсадида мамлакатда сиёсий беқарорликни келтириб чиқариш учун турли норозилик намойишлари уюштиришни ва Христиан-демократик халқ партияси етакчиси Юрий Рошкани ўлдириб, бунда президент Владимир Воронинни айблашни кўзлаганлар.

Заводда портлаш

Мексиканинг Веракрус штатидаги «Кангреха» химия заводида кучли портлаш рўй берди. Сўнгги маълумотларга қараганда, икки ишчи қурбон бўлган. Бу ҳақда штат бош прокурори ўринбосари журналистларга маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, портлаш газ қувуридаги носозлик туфайли келиб чиққан.

Химия корхонасида рўй берган мазкур ҳалокатнинг атроф-муҳитга салбий таъсири ҳақида манбада ҳеч нарса дейилмаган.

Ҳамкорликни тўхтатмоқчи

Исроил ҳукуматининг юқори мартабали вакили мабодо «ХАМАС» ҳаракати етакчиларидан бири Фаластиннинг бош вазири этиб тайинланса, расмий Тель-Авив мухторият билан барча алоқалар-

ни тўхтатишини билдирди.

«ХАМАС» ҳам ўз навбатида Исроил давлатини тан олиш ва зўравонликлардан воз кечиш тўғрисидаги Тель-Авив талабларини рад этди.

Гумондорлар трибуналга топширилади

Норвегия ҳукумати Руандада амалга оширилган геноцид ижрочилари ва буюртмачиларини суд қилишга розилик берди. Бу ҳақда БМТнинг Руанда бўйича ташкил этилган Халқаро трибунали раҳбари Ҳасан Жаллоу маълум қилди. Унинг билдиришича, мамлакат суди айни пайтда Норвегияда яшаётган бир қатор гумондорларни халқаро трибуналга топширади.

Эслатиб ўтамиз, Руандада геноцид амалга оширилган пайтда 800 минг нафардан ортиқ аҳоли аёвсиз қириб ташланган.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдосини эълон қилади:

1. **Навоий вилояти, Навбаҳор туманидаги 8-сонли мактабнинг 12х24 м. ҳажмли спорт зали қурилиши.**
   Объектнинг қурилиш муддати — 2006 йил 1 июлгача.
2. **Навоий вилояти, Хатирчи туманидаги А.Козоков номли лицей-интернатнинг 12х24 м. ҳажмли спорт зали қурилиши.**
   Объектнинг қурилиш муддати — 2006 йил 1 июлгача.

Буюртмачи — Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 63-уйда жойлашган Навоий вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Қурилиш ишларини молиялаштириш «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги бўш айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва устав сармоясининг миқдори, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар, танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (фоизларда).

Танлов савдоларида қатнашиш талабгорига буюртмачи томонидан белгиланадиган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Навоий шаҳри, С.Айний кўчаси, 32-уйда** жойлашган Навоий вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин. **Телефон/факс: (436) 225-53-85.**

Ҳужжатлар бир тўпламининг (комплект) қиймати қурилиш учун — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.
Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин ўтказилади.

21600/17

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2004 ЙИЛ 16 НОЯБРДАГИ 542-СОНЛИ ҚАРОРИГА АСОСАН

«ЎЗБЕКТЎҚИМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

тугатилиши муносабати билан «Ўзбектўқимаш» тугатиш бошқаруви бирлашма негизида тўқимачилик асбоб-ускуналари ва машиналарига эҳтиёт қисмлар, узеллар ва бутловчи буюмлар, шунингдек, тайёр тикувчилик ва трикотаж буюмлари ҳамда истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи ва хизматлар кўрсатувчи экологик жиҳатдан тоза бўлган корхоналар ташкил этиш бўйича танлов (тендер) ўтказилишини эълон қилади.

Танлов «Ўзбектўқимаш» ИЧБнинг сотилаётган ("Механика йиғув цехи", "Таъмирлаш механика цехи", "Қуюв цехи" ва бошқа турли ҳажмдаги бино ва иншоотлари бўйича ўтказилади.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кун ичида тугатиш комиссияси номига тақдим этилиши лозим:

- ***корхона тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар;***
- ***инвестиция таклифи (бизнес-режа).***

Объектлар бўйича маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олиш мумкин: 363-50-91, 363-50-92, 363-50-93.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, У.Носир кўчаси, 53-«Б» уй.

ТУГАТИШ БОШҚАРУВИ.

21671/299

UZ-DAEWOO

«ЎЗДЭУавто Ко.» АЖ

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Ишлаб чиқариш ҳажмининг салмоқли равишда ўсиши ва юк ташиш ҳажмининг мувофиқ равишда кўпайишини ҳисобга олган ҳолда, бутловчи қисмлар ҳамда тайёр маҳсулотларни ташиш учун сарфланадиган компания харажатларини камайтириш мақсадида, «ЎзДЭУавто» АЖ юкларини 2006 йилда Ўзбекистон Республикаси ва чет эл мамлакатлари ҳудуди орқали ташишни ташкил қилиш учун

ТРАНСПОРТ-ЭКСПЕДИТОРЛИК КОРХОНАСИНИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА «ЎЗДЭУАВТО» КОМПАНИЯСИ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар:

- *транспорт-экспедиторлик хизматлари кўрсатиш бўйича камида 5 йиллик иш тажрибасига эга бўлиши;*
- *ишончлилик, имидж;*
- *кўрсатилаётган хизматларининг сифати ва тезкорлиги бўйича энг мақбул шартлари;*
- *юкларни ташиш жадваллари ва йўналишларига лозим бўлганда ўзгартишлар киритиш масалаларини ҳал қилиш имкониятлари;*
- *«ЎзДЭУавто» АЖ юкларини ташишда сезиларли даражада камайтирилган тариф ставкаларини тақдим этиши;*
- *Россия Федерацияси, Қозоғистон, Тожикистон транспорт-экспедиторлик компаниялари ва юк ташувчилари билан тузилган темир йўл ва бошқа юк ташиш турларини амалга ошириш бўйича шартномаларга эга бўлиши;*
- *юк ташишнинг аралаш турларини ташкил қилиш бўйича иш тажрибаси;*
- *юк ташишни амалга ошириш учун ўз эгалигида бўлган ва ижарага олинган автомобиллар ташиш учун мўлжалланган махсус вагонлар ҳамда платформалар ва контейнерларга эга эканлиги.*

Танловда иштирок этаётган корхоналар раҳбарлари диққатига шуни маълум қиламизки, танлов натижаларига таъсир қилиш мақсадида «воситачилар»нинг қайсидир танлов иштирокчиси фойдасига қилинадиган ҳар қандай мурожаатлари ушбу транспорт-экспедиторлик корхонасининг танловда иштирок этишини рад этилиши учун асос бўлади.

Танловда қатнашиш шартлари тўғрисида батафсил маълумот олиш учун манфаатдор корхона ва ташкилотлар қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин: 700007, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Ҳ.Абдуллаев кўчаси, 30-уй, «ЎзДЭУавто Ко.» АЖ, логистика бўлими. Маълумот учун телефонлар: 68-24-10, 67-55-91, факс: 140-05-08.

Танловда қатнашиш истагида бўлган транспорт-экспедиторлик корхоналарининг ёзма аризаларини қабул қилиш 2006 йил 23 февраль соат 10.00 да тўхтатилади. Аризаларда танлов шартлари бўйича тўлиқ маълумотлар кўрсатилган бўлиши ҳамда улар конвертда муҳрланган ҳолда тақдим этилиши шарт.

Танловда қатнашиш учун ариза берган транспорт-экспедиторлик корхоналари ўз таклифларини тақдимот қилишга тайёр бўлишлари керак.

«ЎзДЭУавто Ко.» АЖ

21391/295

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Ҳар бир кун савоб билан

Савоб ишдан топилган ҳузур бошқача-да. Кимгадир қилган озгина яхшилигингиз унинг кўнглига нурдай кириб бориб, ўзингизнинг кайфиятингизни ҳам тоғдай кўтаради. Шунданми, орамиздаги саховат ва эзгуликни кундалик юмуш деб билганларнинг ҳаракатида, топганларида барака.

Шаҳарчамиздаги узоқ йиллардан буён таъмир кўрмасдан, абгор ҳолга тушиб қолган кўп қаватли уйларга файз киришида ҳам ана шундай бағри кенг инсонларнинг мадади катта бўлди. Гап шундаки, беш мингга яқин аҳоли истиқомат қиладиган бу уйлар ўтган асрнинг етмишинчи йилларида қурилган бўлиб, аксариятида иситиш, ичимлик сув тармоқлари бутунлай ишдан чиққанди. Бундан бир неча ой аввал вилоят марказидаги, шунингдек, тумандаги бир қатор меҳнат жамоалари бизга ёрдам қўлини чўзишди. Кўпдан қуён қочиб қутулмас, деганларидек, ҳомийларнинг астойдил жон куйдириши билан мавжуд 29 та кўп қаватли уйнинг барчаси биноидай таъмирдан чиқарилди. Айниқса, «Ўзбекистон ўрамли том ёпқич ашёлари» ҳиссадорлик жамияти кўмагидан жуда миннатдормиз. Саноатчилар 103 миллион сўм сарфлаб, шаҳарчамиз учун янги иситиш қозонхонаси қуриб беришди. Шунингдек, Қамчиқ довони махсус йўл қурилиш таъмирлаш, «Тўрақўрғон нефтбаза» унитар корхоналари, «Поп дон маҳсулотлари» ҳиссадорлик жамияти мутасаддилари ҳам катта ёрдам кўрсатдилар. Улар бир қатор биноларнинг муҳандислик тармоқлари, кириш йўлаклари, томларини сифатли таъмирдан чиқаришда бош-қош бўлишди.

Йўлчибой ДАДАЖОНОВ,
Поп туманидаги Халқобод шаҳар фуқаролар йиғини раиси.

Славянские обои

Российский линолеум

Оптовые поставки Versal MKO
Офис: ул. Амира Темура - Эргашева, 1

тел. 134-48-11
факс 134-49-58

Продажа в розницу
Паркентский рынок
Магазин 113
тел. 185-48-11

21722/293

Завод "TTEMZ"

КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403 А

предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий.
-максимальная грузоподъемность 8т
-максимальная длина стрелы 30м. (с гуськом) - максимальная высота подъема гор. 41,5м, наклонно 57,5м.

АВТОКРАНЫ:

для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах.

КС-3577
на базе шасси МАЗ
максимальная грузоподъемность 14 т, максимальная высота подъема 14.5 м.

КС-4574-1
на базе шасси КАМАЗ
максимальная грузоподъемность 20 т, максимальная высота подъема 22 м.

Гарантийный срок 2 года.
Тел.:169-15-33, факс 162-39-66
E-mail: toemz1@sarkor.uz

Возможен монтаж на шасси заказчика

21295/143

Спорт

Битим имзоланди

Ўзбекистон кураш федерацияси 1991 йил ташкил топган. 1999 йилдан Кураш халқаро ассоциациясига аъзо ҳисобланади. Унинг асосий вазифаларидан бири КХАга аъзо бўлган хорижий давлатлардаги кураш федерацияларига кўмаклашиш, мамлакатимизда миллий спорт турини оммавийлаштиришдан иборат.

Корея мамлакати миллий спортимиз — ўзбек курашини биринчилардан бўлиб тан олган давлатлар сирасига киради. Бугун минглаб корейс ёшлари кураш билан шуғулланмоқдалар. Яқинда Кореянинг Чанг Нам музофотига қарашли Сечеон шаҳрида кураш маркази очилган эди. Марказ нафақат Корея, балки Жанубий-Шарқий Осиё минтақаси мамлакатларида курашни тарғиб этиш ва малакали ҳакамлар ва мураббийлар тайёрлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Кеча Миллий матбуот марказида Ўзбекистон ва Корея кураш федерацияси раҳбарлари ўртасида учрашув ўтказилди. Унда ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, тажриба алмашиш, мураббийлар, ҳакамлар тайёрлаш, халқаро турнирлар ва ўртоқлик учрашувлари, семинарлар ўтказиш бўйича музокаралар олиб борилди. Ҳамкорликнинг илк меваси сифатида жорий йилнинг 29-30 март кунлари Кореяда халқаро учрашув ўтказишга келишиб олинди.

Музокаралар якуни бўйича Ўзбекистон кураш миллий федерацияси президенти Абдулла Орипов ва Корея кураш федерацияси президенти Ким Эл Жун ҳамкорлик тўғрисидаги битимга имзо чекдилар.

СУРАТДА: Корея матбуоти ўзбек кураши ҳақида.

«Пахтакор» ёшлари Италияда

Айни кунларда миллионлаб спорт ихлосмандлари нигоҳи Италияда ўтаётган XX қишки Олимпиада ўйинларига қаратилган. Бу ерда Олимпиада ўйинларига паралел равишда "Карневалле" кубоги футбол мусобақалари давом этаяпти.

Анъанавий тарзда эллик саккизинчи бор ташкиллаштирилган турнирда ёш футболчилардан ташкил топган 48 та жамоа иштирок этмоқда. Мусобақада мамлакатимиз шарафини "Пахтакор" жамоасининг ёш таркиби ҳимоя қилаяпти. Ҳамюртларимиз биринчи ўйинни Италиянинг "Леворно" жамоасига қарши ўтказиб, 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Вакилларимиз кейинги учрашувларни маҳаллий "Моденна" ва Болгариянинг "Нафтекс Поморье" жамоаларига қарши ўтказади.

З. ЖОНИБЕКОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Дилдаги гаплар

Ҳар куни ҳузуримга касб-кор, турли хил юмушлар, халқ таълими билан боғлиқ муаммолар ҳақида кўплаб кишилар келиб туради, — дейди суҳбатдошимиз. Янги йилдан сўнг уларнинг янада кўпайганлиги эътиборимни тортди. Албатта, бу биринчи навбатда Президентнинг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига ўз муносабатларини билдираётган, Юртбошимизга ўзларининг чин дилдан миннатдорчиликларини изҳор қилишаётган бўлса, аксарий ташриф буюрувчиларни маънавий-маърифий ишлар, бу борадаги долзарб муаммолар ўйлантираётганлиги, ташвишлантираётганлиги эътиборга сазовордир.

МАЪНАВИЯТ – ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ МАЁҒИ

бўлиши учун ҳар бир киши, ҳар куни курашмоғи лозим, — дейди Фарғона вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Муҳаммаджон Хўжаев

Фикримни Фарғона шаҳридаги 2-ўрта махсус мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Алла Соколованинг хати билан исботламоқчиман. Юртбошимизнинг халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорини муаллима шахсан ўз меҳнатига берилган юксак баҳо сифатида қадрлайди. Алла Евгеньевна шу мактабда ўн йил таълим олган. 20 йилдан бери эса бошланғич синф ўқитувчиларига дарс бериб келаяпти. Жумладан, хатда шундай деб ёзади: «Мустақилликнинг дастлабки йилларида русийзабон муаллимлар бошқа мамлакатларга кетиб қолди. Улар билан ҳозир ҳам алоқа қилиб тураман. Мен Ўзбекистонда ўқитувчиларнинг иш ҳақи бир неча бор оширилганлигини, айниқса, сўнгги бора биргина бошланғич синф ўқитувчиларининг иш ҳақи 1,3 бараварга оширилганини айтиб берсам, улар буни улуғ иш сифатида баҳолашди.

«Салкам қирқ йилдан бери маориф соҳасида ишлаётган бўлсам, шунинг ўттиз йилини мактаб директори лавозимида ўтадим, — дейди Марғилон шаҳридаги 30-умумтаълим мактаби директори Х. Турғунова. — Лекин ҳаётимнинг сўнгги 15 йилини чинакам халқ ўқитувчиси сифатида ўтказдим, десам айни ҳақиқат бўлади. Чунки биз, ўқитувчилар фақат мустақиллик йилларидагина чинакам ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлдик. Одатда, болалар мактабда асосан ярим кун, нари борса, беш-олти соат бўлишади. Уларнинг қолган бўш вақтини тўғри ташкил этиш, фойдали машғулотлар, керакли тадбирларга жалб қилиш нақадар муҳим эканлигини кундан-кун теранроқ англаб етяпмиз. Ўқувчиларнинг дарсдан ташқари бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни синфдан ва мактабдан ташқари тўгаракларга жалб қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар Қўқон шаҳри халқ таълими бўлими тасарруфидаги мактабларда эътиборга сазовордир. Шаҳарда ҳар бир кун, ҳар ҳафта, ҳар ой асосан турли хил танловлар, тўгараклар, машғулотлар, кечалар, гурунглар билан қамраб олинган. Мана, ҳозир шаҳардаги барча мактабларда «Тўрт карра йўқ» — гиёҳвандлик, ичиш, чекиш, ОИТСга қарши тадбирлар ўтказилаяпти. Синф раҳбарларининг тарбиявий соатларида эса айнан шундай ваболарга қарши мавзулар етакчи ўрин олган. 2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан эса шаҳардаги мактабларда «Саломатликнинг ёш дўстлари» кўрик-танлови ҳам бошлаб юборилди. Атрофда ҳозир қаҳратон қиш. Лекин шаҳар мактабларидаги икки йилдан бери фаолият кўрсатаётган «Ёш боғбонлар ҳаракати» қатнашчиларининг эса ишлари қизғин. Улар қишда ҳам мактаб ҳудуди ҳамда шаҳар кўчаларида ўзларига ишониб топширилган ҳар бир кўчат, майсазорларни асраб-авайлаш учун тиним билишмаяпти. Шу билан бирга улар баҳор ойларида ўтказиладиган «Кўчат экиб, боғ ярат» шиори остидаги ойликка ҳам тайёргарлик кўришяпти.

Қўқон шаҳар халқ таълими бўлимида ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни йил бўйи фойдали машғулотлар, турли тадбирларга жалб қилишга қаратилган дастур ишлаб чиқилган. Шу дастурда кўзда тутилган айрим тадбирларни тилга олиб ўтамиз: «Қизлар ибоси билан гўзал», «Қизим, сенга айтаман...», «Балли, қизлар», «Ёш рассомлар», «Нафосат», «Дугоналар» сингари тўгараклар, давра суҳбатлари, кўрик-танловлар. Бундан ташқари, ҳафтанинг ҳар бир куни маълум бир тадбирлар куни деб эълон қилинган. Масалан, барча мактабларда чоршанба «Хорижий тиллар куни» деб эълон қилинган бўлса «Маънавият куни» сифатида тадбирлар жума куни ўтказилади. Бундан ташқари ҳар сешанба ташкил қилинадиган «Сиёсий ўқиш» кунларида асосан Юртбошимизнинг маърузалари, янги китоблари, таълим-тарбияга оид асарлари қизғин ўрганилади.

Худди шундай тадбирлар, баҳс-мунозаралар, гурунглар уюштириш вилоятимизнинг кўпгина шаҳар ва туманларида ҳам одат тусига кириб қолди. Фурқат туман халқ таълими бўлими, мана бир неча йилдирки, вилоятнинг шаҳар ва туманлари орасида қатор кўрсаткичлар бўйича юқори ўринларни эгаллаб келяпти. Албатта, бунда туманни ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар изчил амалга оширилаётганлиги, ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларни фойдали машғулотларга, тўгаракларга жалб қилишга алоҳида эътибор берилаётганлиги қўл келмоқда. Тумандаги 33 та умумтаълим мактабларида турли хил йўналишдаги 872 та тўгарак ишлаб турибди. Уларга ўқувчиларнинг саксон фоизи жалб қилинган.

Бу тадбирларнинг барчаси ушбу тумандаги ўқувчиларнинг билим даражасини оширишга хизмат қиляпти. Эътибор қилинг-а. Агар бундан бир йил олдин мактабларни битирган ўқувчиларнинг 27 фоизи олий ўқув юртларига кириб ўқишни давом эттирган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 35,8 фоизни ташкил қилди. Туман марказидаги иқтидорли болалар лицейи тарбияланувчиларининг барчаси икки йилдан бери олий ўқув юртларининг талабаси деган шарафли ном эгаси бўлишяпти.

Мен Ўзбекистон Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси сифатида сўнгги йилларда Қозоғистон ва Қирғизистон республикаларида ўтказилган парламент сайловларида кузатувчи сифатида иштирок этдим. Табиийки, бу мамлакатлардаги таълим-тарбия борасида олиб борилаётган ишлар, бу борадаги сиёсат билан ҳам қизиқиб кўрдим. Ва ўз-ўзидан мамлакатимизда таълим-тарбияга берилаётган эътибор билан солиштириб кўраман. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бу борада ер билан осмонча фарқ бор. Албатта, ҳар қандай ишни кенг кўламда амалга ошириш моддий ресурсларга ҳам боғлиқ. Ҳозирги ҳисоб-китобларга қараганда, биргина бизнинг вилоятда умумтаълим муассасаларининг ходимлари меҳнат ҳақини такомиллаштиришга қаратилган тадбирларга қўшимча 12 миллиард 131 миллион сўм бюджет маблағи ажратилди. Буни яқинда Қирғизистонда бўлганимда ўша ердаги касбдошларимга ҳикоя қилиб берган эдим, айримлар ишонқирашмади. Лекин биз қўшиниларни, жаҳон ҳамжамиятини ишонтириш учун эмас, ўзимизнинг эртанги кунимизни, фарзандларимизнинг порлоқ келажагини ўйлаб шундай иш тутяпмиз. Бошлаган йўлимиз тўғри эканлигини қўлга киритаётган ютуқларимиз яққол исботлаб турибди.

Суҳбатни
«Халқ сўзи» мухбири
Набижон СОБИР
ёзиб олди.

ИИВ матбуот хизмати хабар қилади

Қалтис ўйин

Муқаддам судланган наманганлик О. Ҳусан ва Ж. Бахтиёр қилмишларидан сабоқ чиқариб олиш ўрнига яна қалтис ишга қўл уришди. Шу шаҳарлик М.нинг уйига келиб, меҳмондорчилик баҳона мезбонни маст қилишди. Сўнгра бирга қимор ўйнаб, унинг бўйнига 6.400.000 сўмни «илиб» қўйишди. Қарзни эса М.нинг яқин қариндошидан ундириб олиш мақсадида унинг уйини 4000 АҚШ долларига соттириб, пулни олиб кетишди.

Милиция ходимлари томонидан қўлга олинган бу кимсалар ҳадемай қонун олдида жавоб берадилар.

Оғуфурушлар ушланди

Сирдарё тумани ИИБ ходимлари ўтказган тезкор тадбир чоғи 1981 йили туғилган А. Комил ва унинг тўрт шериги жиноят устида ушландилар. Улар О. Ихтиёрга икки килограмм героинни 8.600.000 сўмга сотишаётган эди.

А. Комилнинг уйи текшириб кўрилганда, тағин икки килограмм қўшимча гиёҳвандлик моддаси топилди.

Телефон ўғриси

Қўқонда жойлашган «Сеул» дўконига ўғирликка тушган кимса нархи 4.935.000 сўмлик 25 дона уяли телефонни ўмариб кетганди. Қидирув ишлари натижасида ушбу жиноятни содир этган шахс аниқланиб, қўлга олинди. У 1984 йилда туғилган Б. Артур бўлиб чиқди.

Босқинчи аёллар

Тошкент шаҳри, Яккасарой туманида яшовчи М. Ёдгорованинг уйига бостириб кирган икки аёл унга ва 10 ёшли ўғлига пичоқ ўқталиб, пул талаб қилишди. Она-бола шовқин кўтаргач, ёрдамга етиб келган қўшнилар босқинчиларни ушлаб олишди.

Ички ишлар идораси ходимлари томонидан текширилганда гумондорлар Чирчиқ шаҳрида яшовчи 16 ёшли А. Севара ҳамда унинг самарқандлик ҳамтовоғи эканлиги аниқланди.

Жоҳил қўшни

Тунги соат 2 дан 20 дақиқа ўтганда асакалик М. Ботир жазавага тушиб, қўшниси — Навбаҳор ширкат хўжалигида яшовчи М. Юсуповни тўмтоқ жисм билан уриб ўлдириб қўйди. Мастликда жиноятга қўл урган М. Ботир ҳозир қилмишидан қаттиқ пушаймон чекмоқда. Аммо энди бунинг фойдаси бормикин?

Исмоил МИНОВАРОВ,
ИИВ матбуот маркази ходими.

Мураббийлар анжумани

Тошкент Давлат аграр университети қошидаги Қибрай академик лицейида Тошкент вилоятида жойлашган касб-ҳунар коллежларининг маънавият фани ўқитувчилари учун семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Лицей директори Н.Давронова, маънавият ишлари бўйича директор муовини М. Усмонова, вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Ҳ. Ибрагимов ва вилоят "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати раиси ўринбосари Б. Жабборовалар сўз олиб, ўқув юртларида маънавият дарси ўқитилиши масалаларига асосий эътиборни қаратдилар. Таъкидландики, маънавият мустақиллик туфайли устувор қадриятга айланди. Ўқувчиларга асл қадриятлар асосида дарс берилса, улар қалбида билимга, тафаккурга, фаол яратувчиликка интилиш кучаяди, эл-юрти ҳамда Ватанга садоқату муҳаббат туйғуларидек олий қадриятлар камол топади. Натижада миллат келажаги учун қайғурадиган ва мамлакат куч-қудратини юксалтирадиган авлод етишиб чиқади.

Мароқли маърузалардан сўнг маънавият дарслари ўтилишига доир кинофильм намойиш этилди. Қатор ўқитувчилар фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

М. ЁҚУБОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ NBU

«ШОДИЁНА» омонатига пул қабул қилиш муддати 2006 йил 1 апрелгача узайтирилганини маълум қилади.

Омонат бўйича даромад — йиллик 36%.
Энг кам бадал миқдори — 300.000 сўм.
Сақлаш муддати — 2 ой.

Шунингдек, қуйидаги омонат турларига пул қабул қилиш давом этмоқда:

«Кўпайсин» (сақлаш муддати — 1 йил)	— йиллик **31%;**
«Ёшлик» (сақлаш муддати — 1 йил)	— йиллик **27,2%** *(ёшлар учун);*
«Омонлик» (сақлаш муддати — 6 ой)	— йиллик **27%;**
«Хотиржамлик» (сақлаш муддати — 6 ой)	— йиллик **28%** *(коммунал);*
«Омадли» (сақлаш муддати — 2 йил)	— йиллик **30,4%;**
«Таътил» (сақлаш муддати — 3 ой)	— йиллик **28,8%;**
«Келажак» (сақлаш муддати — 5 йил)	— йиллик **32%** *(болалар учун);*
«Сўм карточка» (талаб қилиб олингунча)	— йиллик **16%,** олинмаган фоизлар капитализация қилинади.

Ўз жамғармаларини бизга ишониб топширганларнинг фаровонлиги учун ўзимизни масъул ҳисоблаймиз!

Қўшимча ахборотни 135-42-83, 134-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг ҳар қандай бўлими ёхуд филиалидан олиш мумкин.
Интернетдаги манзилимиз: **www.nbu.com**

2098H/31

«ГРАНА» Алтай - Россия
УН барча навлари
ЁРМАЛАР
Энди Ўзбекистонда ҳам
Ун о/н 50кг, 10кг, 5кг, 2кг
Ун 1-нав
Жавдар ун
Қора буғдой, нўхатли, перловка, арпа, манна ва геркулес ёрмалари
«ГРАНА» - бу экологик тоза маҳсулот сифат кафолати ва Россия бағрикенглиги
Грана
УЛГУРЖИ САВДО 10 ТОННАДАН ЮҚОРИ
Маҳсулот сертификатланган
Тошкент ш., Архитекторлар кўч., 17. Тел./факс 148-04-01
тел.103-04-39, 343-52-38. E-mail: grana-altay@bk.ru

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

«ALFA INVEST» Суғурта компанияси жамоаси компания директорлар кенгашининг кузатув кенгаши раиси **Саидакбар Хожиакбарович АБДУРАХИМОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети жамоаси режалаштириш бўлими катта иқтисодчиси Гулноза Қобиловага акаси **Қаҳрамон ШОИНОЯТОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент бадиий керамика комбинати жамоаси Ўзбекистон Бадиий академияси Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рассом **Равшанбек МУҲАМЕДХАНОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик изҳор қилади.

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатиза !
ТАШКИЛОТ – «ГАЗ» ОАЖнинг ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ
РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ КРЕДИТГА ВА ЛИЗИНГГА!
Товар сертификатланган

Мулоқот учун телефонлар: Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62, 126-12-94.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 457. 34694 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — Топширилди — 23456